



2020 у. «27» феврал

№ 150 -Қ

Булунғур т. – р. Булунгур

**Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли
автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларни мажбурий
техник кўриқдан ўтказиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 ноябрдаги “Сиқилган табиий газда, суултирилган нефть газда ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишламайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 326-сонли қарори ва 2019 йил 30 мартдаги “Транспорт воситаларини мажбурий тарзда техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 272-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб ҳамда Булунгур тумани Ички ишлар бўлимининг 2020 йил 07 январдаги 26-сонли хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автоматотранспорт воситалари ва уларга тиркамалар тегишли тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.

2. Туманда транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари) одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар – бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)-икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) –бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўриқка транспорт воситаси – шатакчи учун белгиланган муддатларда.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриғи:

биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриғи 1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриғи 1 январдан 31 августгача ўтказилиши инобатга олинсин.

4. Туманда техник кўриқни ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага, техник кўриқни ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга “JV MAN AVTO UZBEKISTAN” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонанинг техник кўриқ ўтказиш учун зарур ва шароитларга мавжудлигини инобатга олиб, уларга тегишли бўлган автобус, ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларнинг тиркамаларини қўшма корхонанинг сервис ва дилерлик марказида, бошқа турдаги транспорт воситаларини “Самарқанд Автотеххизмат” ОАЖга қарашли тумандаги “Агротехсервис” МТПда техник кўриқдан ўтказилиши тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори 3-банди талабларидан келиб чиқиб, туман мудофаа ишлари бўлими, ички ишлар бўлими ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари мажбурий техник кўриқлари ўз юқори ташкилотларининг қарори ва иш режаси асосида амалга оширилиши назарда тутилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Халжигитов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими

Б.Бахрамов